

Темир йўлдан фойдаланиш қоидаларини қай даражада биламиз?



Чегарачиларга уйлар топширилди



Боғу бўстонга айланаётган юрт



Шаҳардаги энг кўркем бино қачон асл ҳолига қайтади?





O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ЎТМОЙ-ЎТМОЙ ГАЗЕТА СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 23 (576)
2022 йил 1 апрель, жума

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@mail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг шанба ва жума кунлари чиқади.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ЗАРУР ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 31 март куни макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, бизнесни қўшимча қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Халқаро экспертлар жаҳон иқтисодиётидаги ҳозирги мураккаб вазият узоқ давом этишини прогноз қилишмоқда. Бу эса ички бозордаги нарх-навога, айниқса, озиқ-овқат нархлари ва инфляцияга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта.

Шу боис, бу омиллар Президент раҳбарлигида мунтазам таҳлил қилиниб, зарур чоралар қўриб берилмоқда. Бу ўз натижасини бериб, ички бозорда мўтадиллик таъминланмоқда.

Хусусан, гўшт, сут, картошка, тухум, гуруч нархининг ошишига йўл қўйилмади. Чет эл корхоналари Тошкент товар-хомашё биржасида озиқ-овқат маҳсулотларини сотиши учун қўшимча шaroит яратилди. Валюта бозори ва айирбошлаш курси барқарорлашди.

– Бу борада халқимизда ортиқча хавотир ёки безовталиқ бўлмаслиги керак. Валюта бозориде кескин тебранишларнинг олдини олиш учун захирамиз етарли, – деди давлат раҳбари.

Кириб келаётган Рамазон ойида нархни арзонлаштириш катта савоб экани, бунинг учун озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда озиқ-овқат маҳсулотлари импорти учун аввал берилган имтиёзли маблағларни қайтариш мuddати йил якунига қадар узайтирилди.

Бош вазир раҳбарлигида республика штаби ҳамда ҳокимлар бошчилигида ҳудудий штаблар ташкил этилди. Уларга бозордаги нарх-навоини кундалик ўрганиб, маҳсулотлари аҳоли талабига қараб қўшимча етказиб бериш топширилди. Озиқ-овқат ва хомашёнинг биржа савдоларига чиқарилиши устидан кунлик назорат ўрнатиш, сунъий равишда нарх ошишининг олдини олиш вазифаси қўйилди.

– Ҳозир дунёда мураккаб давр давом этапти, ҳар куни янги синовлар билан тўқнаш келяпмиз. Лекин, эртага нима бўлади, деб қўтиб ўтириш ярамайди. Муаммоларни тезкор аниқлаб, ҳал қилиш ва янги имкониятларни излаб топишимиз керак, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Ташқи ҳаф-ҳатарлар таъсирини камайтириш мақсадида тадбиркорларни қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди.

Жумладан, банклар томонидан тадбиркорларга хомашё сотиб олиш ва айланма маблағлар учун қўшимча 10 триллион сўм “револьвер” кредитлар ажратилди. Давлат дастурлари доирасида мева-сабзавотчилик, оилавий тадбиркорлик, ипотека ва таълим кредитлари ҳажми ҳам, имтиёзли ставкалари ҳам сақлаб қолинади.

– Қанчалек оғир бўлмасин, ажратиладиган маблағларни камайтирмаймиз ва юқини оширмаймиз, – деди Президент.

Шунингдек, солиқ маъмурчилигидаги янги механизмлар буйича йил якунига жарима қўлламаслик, боғхона имтиёзларини қўллаш даврини узайтириш буйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Тошкент инвестиция форуми якунларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мазкур анжуманда қарийб 8 миллиард долларлик шартномалар ва келишувларга эришилган. Қўллаб-қўрғин тадбиркорлар юртимизда ўз бизнесини бошлаш ёки ривожлантириш истagini билдирган.

Бу келишув ва ташаббуслар тўла амалга ошиши учун инвесторларга барча шaroит яратилиши қайд этилди. Иқтисодий тармоқлари раҳбарларига хорижий компаниялар билан келишиб, уларнинг ишлаб чиқариш занжирига қўшилиш вазифаси қўйилди. Навоий, Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида қўшни мамлакатлар бозорига маҳсулот етказиб берувчи улгуржи савдо ҳудудлари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳудуд ва тармоқларда харажатларни қисқартириш, таъмирлаш, автомобиль, мебель ва офис анжомлари харид қилишни тўхтатиб туриш буйича қатъий кўрсатмалар берилди.

Халқаро молия бозоридеги ҳозирги нобарқарор вазиятда четдан маблағ жалб қилиш қийин бўлади. Бундай шaroитда энг тўғри йўл – бор ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш.

Масалан, бугунги кунда қиймати 9 миллиард доллар бўлган 105 та лойиҳа доирасида жалб этилган маблағлар ишлатилмай турибди ёки қўзилапти.

Шу боис, Бош вазир ўринбосарига тармоқ раҳбарлари ва вилоят ҳокимлари билан бирга, ҳар бир лойиҳани чуқур ўрганиб, ижросини жадаллаштириш, самарасиз ва истиқболсиз лойиҳаларни тугатиш буйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда аҳоли бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

– Бу масалага фақат иқтисодий кўрсаткич сифатида эмас, балки “халқимизнинг ижтимоий ҳимояси” нуқтаи назаридан қараш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Янги иш ўринлари ташкил этиш кўрсаткичлари вилоят ва туманлар кесимида таҳлил қилиниб, камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Бугунги кунда 67 та фаолият тури ўзини ўзи банд қилиш шаклига ўтказилган. Бундай касблар яна 20 тага кўпайтирилиши, бу орқали қўшимча 150 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкинлиги айтилди.

Ҳукуматга эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш кўламини янада кенгайтириш буйича топшириқ берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

У.А.

ШАҲАР ИЧИДАГИ ШАҲАР – кўхна Урганчнинг янги қиёфасини яратади



Райхона ХўЖАЕВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Улкан ислохотлар амалга оширилаётган мамлакатимиз тараққиётида бунёдкорлик тамойили ўзига хос ўрин тутади. Бунинг асосида қишлоқларимизнинг янги қиёфалари мисолида кўришимиз мумкин. Хусусан, Андижон, Наманган, Нукус ва бошқа шаҳарларда янги шаҳарчалар барпо этилмоқда. Шу тажриба асосида, Президентимиз ташаббуси билан Урганчда Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун аэропорт яқинида 110 гектар ер ажратилди.

Кўни кеча Президентимиз Хоразмда ушбу бунёдкорлик лойиҳалари тақдими билан танишди.

Шу йилнинг 7 феврал куни ўтказилган тақдиротда шаҳарчанинг умумий концепцияси тасдиқланган эди. Бу гал ундаги ҳар бир иншоотнинг ички мазмуни батафсил муҳокама қилинди. Лойиҳага кўра, бу ерда университет, IT парк, уйлар, мактаб ва боғча, маданият ва спорт мажмуалари барпо этилади. Шаҳарча марказида Мухаммад ал-Хоразмий сайилгоҳи бўлиб, буюк алломанинг янги ҳайкали ўрнатилади.

– Бу ер шаҳар ичидаги шаҳар бўлади. Университет, инновацион марказ ва мактаблар илм ва таълим кластерини ташкил этади. Бу ерда ишловчилар учун уй-жойлар, илмга асосланган саноат зонаси ҳам бўлади. Бу шаҳарчани шунга муносиб қилиб, сифатли қуриш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Тақдиротда келтирилишича, Ал-Хоразмий мемориал комплекси ягона ўқ асосида режалаштирилган бўлиб, унинг атрофида Ал-Беруний ёдгорлик мажмуаси ва “Янги Ўзбекистон боғи” ҳам жойлашади. Маҳмуанинг умумий майдони 114 гектарни ташкил этади.

Ал-Хоразмий майдонида IT-технологиялар университети жойлаштирилган бўлиб, ушбу майдон умумий комплекснинг марказий майдони ҳисобланади ва барча объектлар ушбу майдонга асосан жойлаштирилган. Мазкур ёдгорлик 5,50 метр баландлиқдаги супада жойлаштирилиб, ёдгорликнинг асосий зинапоаялари икки томондан, биринчиси майдон томондан, иккинчиси IT-технологиялар университети томониде барпо этилади. Ёдгорликка чиқиладиган зинапоаяларнинг икки томони ашил гул туваклар ҳамда энгил типдаги айвончалар билан безатилади.

2-бет



Foziljon – Ishchi kasblari bo'yicha Milliy chempionat g'olibi



Kim aytdi chempionlar faqat sportda bo'ladi deb? Bugungi kunda har bir sohaning chempionatlariga va chempionlari bor. Poytaxtimizdagi “Ishga marhamat” monomarkazida o'tkazilgan “WorldSkills Uzbekistan-2022” ishchi kasblari bo'yicha Milliy chempionati ana shunday chempionlarni aniqlab berdi.

“WorldSkills Uzbekistan-2022” ishchi kasblari bo'yicha Milliy chempionatida 225 nafar talabgorlar ishtirok etish istagini bildirib onlayn ariza bilan murojaat etgan. Huddudiy saralash bosqichlaridan 8 ta – “Oshpazlik san'ati”, “Quruq qurilish va suvoqchilik”, “Sartaroshlik san'ati”, “Payvandlash texnologiyalari”, “Modalar texnologiyasi”, “Mobil robototexnika”, “Elektromontaj”, “Tibbiy va ijtimoiy g'amxo'rlik” kompetensiyalari doirasida 44 nafar mahoratti ishtirokchilar saralab olindi. Shundan, 23 nafari oliy ta'lim va professional ta'lim muassasalarida va 17 nafari hududiy “Ishga marhamat” monomarkazlari hamda Ishsiz va band bo'lmagan aholini kasb-hunarga o'qitish markazi (KOICA) ta'lim muassasalari o'quvchilardir.

Ushbu chempionatda “Quruq qurilish va suvoqchilik” kompetensiyasi bo'yicha 6 nafar ishtirokchi o'zaro bahs olib bordi. Musobaqa uchun ajratilgan jami vaqt esa 17 soatni tashkil etdi. Ishirokchilar shu vaqt davomida gipsokartondan konstruksiya qurish bo'yicha berilgan topshiriqni “WorldSkills” standartlari asosida bajardilar. Chempionatda Buxoro arxitektura va qurilish texnikumi talabasi Foziljon Nusratov faxrli 1-o'rinni egalladi. Endi u Xitoyning Shanxay shahrida bo'lib o'tadigan xalqaro musobaqada ishtirok etish huquqiga ega.

O'z muxbiri.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ
МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида юртимизда миллий ва диний қадриятларимизга бўлган эътибор ва эҳтиром янада ортиб бормоқда. Жонажон диёримизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, хонадонларимиздаги файз ва кут-баракани халқимиз, аввало, Яратганининг кечисиз марҳамати сифатида шукроналик ва миннатдорлик билан қабул қилмоқда.

Айниқса, аҳиллик, ўзаро бирдамлик ва маънавий поклик фазилатлари улуғланадиган кутлуг Рамазон ойини эл-юртимиз доимо катта хурсандчилик ва кўтаринки кайфиятда кутиб олмақда. Ушбу муборак кунларда инсон қадрини улуғлашга, оила ҳамда маҳаллага меҳр ва эътиборда бўлиш, ижтимоий кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд кишиларга ёрдам ва савоат кўрсатишга қаратилган савобли амаллар янада ёрқин намоян бўлмоқда.

Халқимиз учун эзгулик ва муруват, меҳр-оқибат рамзи ҳисобланган муборак Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик тамойилларини ҳамда маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

- 2022 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 2 апрель кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Дин ишлари буйича кўмита, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини **миллий анъана ва қадриятларга мос ва муносиб тарзда** ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда тўқиб муборак ойнинг мазмун-моҳиятида муҳассам бўлган **инсонийлик, шукроналик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъзозлаш, мамлакатдаги тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаш, оилалар ҳамда маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга** хизмат қиладиган маърифий тадбирлар ва тарғибот ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М. М. Камиллов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2022 йил 31 март

ШАҲАР ИЧИДАГИ ШАҲАР – кўҳна Урганчининг янги қиёфасини яратади

1-бет

12 x 24 см ўлчамли мазкур зинапояр маълум бир ўзига хос математик ритми яратади. Ушбу зиналар кечаси ёритгич чироқлари билан таъминланиб, жуда қизиқарли ва ажойиб кўриниш касб этади. Пергола остидаги (пергола – енгил конструкциядан қилинган устида чирмашқли гул, узум токи орқали эришилган ландшафт кўриниш) майдонда ўзига хос ўриндиқлар ва дам олиш учун мўлжалланган супалар, шунингдек, имконияти чекланган инсонлар учун ўнг томондан бандликка кўтарилиш учун супалар жойлаштирилади.

Ал-Хоразмий майдонининг қопламасига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ушбу қопламанинг устки қисмига Ал-Хоразмий тенгламаларини сайқалланган гранит плиталарга жойлаштириш таклифи берилган. Ушбу алгоритмик тенгламалар компьютер алифбосининг асоси ҳисобланади. Мазкур формулаларни майдоннинг белгиланган жойларида тунги ёритгичлар остига қўйиш кўзда тутилган. Лойиҳага кўра майдонда безакли мрамардан ишланган панжарали Ал-Хоразмийнинг Астролаб мосламаси акс эттирилган ҳамда алломанинг бизгача етиб келган 15 та китоби билан биргаликда жойлаштириш кўзда тутилган.

Майдоннинг яшил ҳудудида қуёш соати, гранитга ўйилган сайёралар билан биргаликда математик формулалардан иборат бўлган дам олиш ҳудудлари гоёси ҳам режалаштирилган.

IT-ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ



IT-технологиялар университети-нинг лойиҳавий композицияси ёдгорликка нисбатан марказлаштирилган бўлиб, унда жойлашув жиҳатдан Радиал шаклда тарқалган ўқув блоклари мужассамлашган. Мазкур объектада фойдаланилган томёнмалар остида талабалар учун дам олиш майдонлари инobatта олинган. Объектларнинг том қисмларида маиший эҳтиёж учун фойдаланиладиган қуёш сув иситгичлари жойлаштирилган. Умумий комплексни ишлаб чиқишда университет билан биргаликда 5-11 синфлар учун мактаб бинолари жойлаштирилган.

Комплексада талабалар ва мактаб ўқувчилари учун ётоқхоналар ҳам назарда тутилган. Ушбу объект спорт марказига яқин ҳудудда жойлашганлиги сабабли, унга талабаларнинг бўш вақтларида очик спорт майдончаларидан бемалол фойдаланиш имконини беради.

МАДАНИЙ МЕРОС ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ



Ушбу марказ Ал-Хоразмий асарларини ўрганиш ва оммалаштириш ишлари билан шуғулланади. Шунингдек, таълим дастурлари бўйича тўғрақ машғулоти ўтказиш хоналари ҳам инobatта олинган. Булар – музей, фильмлар намойиши билан бирга илмий маърузалар ўқиладиган зал, кўргазма заллари, тадқиқотчилар учун хорак машғулоти ўтказиш хоналари

СПОРТ МАРКАЗИ



Спорт маркази университет шаҳарчаси билан комплекс тарзда лойиҳаланган бўлиб, ётоқхоналар ва мактаб-интернатни ўз ичига олади. Ушбу марказда талабалар ва ёшлар учун турли хил спорт турларини ўргатиш тўғрақлари, талабалар ва ёшлар учун дарслардан бўш вақтларида шуғулланиш учун спорт заллари, ёпик ҳовузлар, очик спорт майдончалари режалаштирилган.

МАРКАЗИЙ БУЛЬВАР



Бульварнинг кенглиги 40,0 метр, шошилинч хизматлар учун кириш жойлари ва икки томонлама велосипед йўллари бульварнинг иккала томонида ҳам жойлаштирилади. Марказда умумий овқатланиш объектлари, турли ёшдаги болалар учун ўйин ускуналаридан иборат ўйин майдончалари барпо этилади. Волейбол, баскетбол майдончалари, спорт анжомлари билан жиҳозланган майдончалар ташкил этилади. Бу эса доимий яшовчи аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш имконини беради.

Шунингдек, бульварда дам олиш учун супалар ва шахмат-шашка майдончалари лойиҳалаштирилган. Шунингдек, Wi-Fi зоналари бульварнинг барча ҳудудларида ташкил этилиши белгиланган. Комплексада ташкил ёритиш мосламалари қуёш панеллари билан таъминланиб, бу ўз навбатида комплексни экологик тоза электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

IT-ПАРК



Шаҳарча таркибидаги IT-парк бу бозорда истиқболли стартап лойиҳаларни ишга тушириш ва ишга туширишни таъминлаш учун мўлжалланган объектлар, бинолар ва иншоотлар мажмуасидан иборат бўлади. IT-компаниялар учун экстра-территориал иқтисодий зона, шу жумладан илмий ва таълим йўналишларини интеграция қилиш орқали бирлаштириш кўзда тутилган.

Фаол ва иқтидорли IT талабалари бухгалтерия ҳисоби, юридик, маркетинг ва таълимни қўллаб-қувватлаш орқали ўз гоёларини ҳақиқий бизнес лойиҳаларига айлантириш учун ҳақиқий имкониятга эга бўладиган жой ҳисобланади. Шунингдек, ушбу объектада коворкинг марказларини ташкил қилиш назарда тутилган.

ИННОВАЦИОН-МАДАНИЙ МАРКАЗ



Шаҳарча таркибидаги кўп мослашувчан дастурга эга бўлган бу марказ замонавий санъат ва рақсдан тортиб, концертлар ва фильмлар намойишларига қадар турли форматдаги маданий-маърифий дастурларга мос келади. Марказдан университет талабалари ҳамда ушбу ҳудудда яшовчи маҳаллий аҳоли ҳам фойдаланиши мумкин.

Ушбу марказда асосан талабалар, дизайнерлар, рассомлар, раққослар, актёрлар, фотосуратчилар учун профессионал ўқув дастурлари, фуқаролар учун очик дастурлар,

маърузалар, фильм намойишлари, театр томошалари, кўргазмаларни амалга ошириш назарда тутилган. Шунингдек, бу ердан компьютер ўқув маркази, компьютер графикаси, тил маркази, рассом ва хунармандларнинг ўқув устaxonалари, ўқув дастурлари учун маърузалар зали, медиа-кутубхона, фото ва овоз ёзиш студиялари, репетиция рақс заллари, кўргазма зали, буфет, 250 кишига мўлжалланган кўп функцияли зал, куруқ фавворалар билан жамоат майдонидаги амфитеатр ҳам ўрин олиши режалаштирилган.

ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ



Ушбу комплекснинг асосий гоёси қийин иқлим шароитида махсус яшаш шароитларини яратишдан иборат. Урганч шаҳрининг иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши етарли даражада совуқ ҳисобланади. Хиёбонга қараган ҳовлилардан иборат бўлган 5, 7, 9 қаватли турар жой бинолари ҳамда ўқитувчилар учун 2-3 қаватли турар жой бинолари қад ростлайди.

Шунингдек, комплекс аҳолиси учун шаҳарсозлик талаблари асосида 1 500 ўқувчига мўлжалланган мактаб, болалар боғчаси, инновацион маданият маркази хиёбоннинг марказий ўқида жойлаштирилган. Турар жой биноларига кириш ташқи томондан амалга оширилади.

Комплексадаги биноларнинг том қисмида жамоат дам олиши ва фойдаланиш учун ҳудудлар кўзда тутилган. Барча турар жой биноларида кийим қуриштириш учун пастки қаватлардан кийим қуриштириш ҳудудларини яратиш белгиланган. Турар жойларда яшовчи аҳоли эҳтиёжлари учун қуёш сув иситгичлари турар жойнинг том қисмларида жойлаштирилади.

Лойиҳада Хоразм вилоятининг шўр ер ости сувларини инobatта олган ҳолда кўкаламзорлаштириш учун ҳудуднинг иқлим шароитига мос келадиган ўсимликлар ва дарахтлар танлаб олинган. Комплексада томчилатиб суғориш системасини ташкил этиш белгиланган. Муҳандислик коммуникациялари учун коллекторлар (сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти тизими) ер остидан ўтказилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Урганчдаги Санъат музейи биносини реконструкция қилиб, кўргазма майдонини кенгайтириш, Хивадаги Қўғирчоқ театрини замонавий бинога кўчириш ҳам мўлжалланган. Президентимиз янги бинолардан самарали фойдаланиш, уларда қўшимча хизматларни йўлга қўйиб, даромад топишига шароит яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Бир сўз билан айтганда, тақдимот қилинган ушбу лойиҳалар тўлиқ амалга ошгач, кўҳна Урганч яна бир кўркям шаҳарча билан бойийди.

Темир йўлдан фойдаланиш қоидаларини қай даражада биламиз?

Райхона Хўжаева,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ҳаммамиз бир пайтлар бола бўлганмиз. Темир йўл ва поездлар ҳаракатини қандайдир ҳаяжон билан кузатганимиз ҳам эсимизда. Яшаш жойига яқин ҳудуддан темир йўл ўтган болалар учун эса бу йўл энг завқли ва қизиқарли жойлардан бири бўлгандир, эҳтимол. Шу билан бирга, темир йўлда ҳаракатланаётган поездга тош отиш ёки юришига ҳалал берувчи баъзи қитмириқлар ҳам айнан болаларга тегшли экани ҳам сир эмас. Шу боис юртимизда темир йўлдан фойдаланиш қоидалари ва хавфсизлигига катта эътибор қаратилмоқда.



“Ўзтемирийўлназорат” инспекцияси ахборот хизмати раҳбари Фирдавс Хайриддинов иштирокидаги брифингга маълум қилинишича, 2021 йилда темир йўлдан фойдаланиш қоидалари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари 13 минг мартадан кўпроқ бузилган. “Ўзтемирийўлназорат” инспекцияси томонидан 2021 йилнинг 12 ойида 235 та текширувлар амалга оширилган. Текширувлар жараёнида темир йўл соҳасида юк ва йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича темир йўлдан фойдаланиш қоидалари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилганлиги юзасидан 13 191 та камчилик аниқланган бўлиб, шундан хавфсизликка таҳдид солувчи камчиликлар 4 520 тани ташкил этади.

Текшириш натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбиркорлик субъектларига таққиловчи чораларни белгилувчи кўрсатмалар берилган. 2021 йилда 1 279 та темир йўллари, 132 та локомотив, 637 та юк ва йўловчи вагонлари носозлиги ёки фойдаланиш муддати ўтганлиги аниқланиб, фойдаланишдан тўхатилган.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларида темир йўлларда ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия мавжудлиги ҳам текширувдан ўтказилган. Натижада 29 та тадбиркорлик субъекти лицензия мавжуд эмаслиги аниқланган.

Ўтган йилда Инспекция томони-

дан тақдим этилган кўрсатмалардаги 4 520 та камчиликдан 4 310 таси тўлиқ бартараф этилган. Инспекция томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан берилган кўрсатмаларга асосан, қорхона ва ташкилотларнинг шохобча темир йўлларида (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖдан ташқари) бир қатор ўзгариш ва ижобий натижаларга эришилган.

Инспекция кўрсатмаси билан темир йўл транспортда ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ ҳодимларнинг малакаси мунтазам равишда ошириб келинмоқда.

– Темир йўлларда ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш бўйича ўтган йил Инспекция томонидан бир қанча ишлар бажарилди, – деди Фирдавс Хайриддинов. – Хусусан, 6 та темир йўлларда ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Шундан, амалда 11 та темир йўл транспортда хавфсизлигини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Ноқонуний иш, келтирар ташвиш

Достонбек ЭРГАШБОВЕВ,
Юқори Чирчиқ тумани ФВБ
бўлимма бошлиғи.

Бу йил юртимизда баҳор ҳар галгига қараганда серёгин келди. Сой ва дарёлар ҳамда ариқларда сув кўпайгани ва ернинг намлиги меъёридан ортиб кетгани фавқулодда вазиятларни юзага чиқарди.

Юқори Чирчиқ туманида бундай вазиятда кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқмаслиги учун ҳудуддаги мавжуд 47 та маҳалла ҳамда 97 та кўп қаватли йўлар, янги қурилаётган турар жойлар ва қорхоналар атрофида сув тўпланиб қолмаслик чоралари қўрилди. Жумладан, ён-атрофлардаги ариқ-зовурлар турли хилдаги чикиндилардан тозаланиб, тартибга келтирилди. Маҳаллалардаги эски бинолар, мактаблар ва болалар боғчаларига ҳодимлар бириктирилиб, шу атрофдаги ариқ-зовурларга ёш болаларнинг яқиндошмаслиги доимий назорат қилиб борилди.

Фавқулодда вазиятлар келиб чиқиши мумкин бўлган жараёнда соҳа ҳодимлари қанчалик эътиборли чиқмаслигини, фуқароларга тавсиялар беришмасин, барибир гапни гапир ўққанга экан. Ҳудуддаги 21 та аҳоли яшаш хонадонларида эҳтиёсизликка йўл қўйилди. Айниқса, бу борада айрим янги қурилаётган кўп қаватли йўлар олди ва атрофи талаб даражасида эмаслиги учун қурилиш ишларини олиб бораётган тўртта ташкилот раҳбарига нисбатан баённома тўлдирилди. Бундан ташқари, бунёдкорлик ишлари давом этаётган объектларда хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилиниши лозим. Масалан, пайвандлаш ишлари қурилиш меъёридан ҳамда қоидалари талабига мувофиқ алоҳида ажратилган махсус жойларда бажарилиши назарда тутилган

бўлса-да, бироқ бу тартибга риоя этмагани сабабли иккита объект бошлиқлари оғохлантирилди.

Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, ёгингарчиликлар ҳали давом этади, шу туфайли кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқмаслиги учун қурилиш ишлари бажарилаётган майдонлардаги вагонлар ва бу ерда ишловчи ишчи-ҳодимларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар ҳам соҳа ҳодимларининг эътиборидан четда қолгани йўқ. Бу борада ишчилар билан ақка тартибда суҳбатлар ўтказилиб, амалий тадбирлар ҳам қилинди. Мана шундай ҳаракатлар натижасида барча объектлар бўйича қутилган натижага эришилди.

Ёгингарчиликлар мавсумида келиб чиқиши мумкин бўлган энг хавфли ҳодисалардан бири, электр узаткичлардан ноқонуний фойдаланишдир. Туман ҳудудида ҳам ўтган ойлор оралигида бу борада бешта хонадонда электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин ҳолати содир этилгани афсусланарлики. Ҳодимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўз вақтида тилсиз ён учирлиши, хонадонлар аҳли ҳеч қандай зиён қўрилган йўқ. Ваҳоланки, ўт балоси содир этилган хонадонлар аҳлиси ўтган йили кўзда ноқонуний фойдаланаётган электр манбаси ва ўзбошимчилик билан талабга жавоб бермайдиган симларни тортгани учун икки бор оғохлантирилиб, жаримга ҳам тортилган эди.

Қисқаси, юқоридаги сингари ҳолатларга барҳам бериш мақсадидан ҳодимларимиздан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, улар ҳар кун қорхоналар, қурилиш объектлари ва маҳаллаларга бориб, тарғибот ишларини ўтказишмоқда. Мақсадимиз, ҳеч бир хонадон аҳли ва фуқароларимиз ёнғинлар ҳамда бошқа кўнгилсиз ҳодисалар туфайли зарар қўрмаслигига қаратилган.

Қашқадарё вилояти

Янги корхона ишга тушди

Шухрат НОРМУРДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Яқинда Қарши шаҳридаги "Қавали" кичик саноат зонасида "Ўзбекинжиннинг" МЧЖга қарашли ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади.

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 170 минг АҚШ долларини ташкил этиб, эндиликда ушбу корхонада Германия технологияси асосида ҳамда "Promo Masters" бренди остида мебель жиҳозлари, замонавий Акфа ромлар ва МДФ эшиклар ишлаб чиқарилади. Лойиҳанинг тулиқ ишга тушиши натижада 62 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Чегарачиларга уйлар топширилди

Ғузур туманидаги Ўзбекистон Республикаси ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм хизматчиларига янги хизмат уйларининг қалити топширилди.



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Қашқадарё вилояти ҳоқими, вилоят прокурори, вилоят Давлат хавфсизлик хизмати бошлиғи, вилоят ИИБ бошлиғи, туман ҳоқими, сектор раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбир доирасида чегарачи ҳарбийлар ва уларнинг фарзандларига вилоят ҳоқимининг эсдалик совғалари топширилди.

Навоий вилояти

Намунали кўчалар кўнаймоқда

Ҳилола ИСМАТОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

"Яшил макон" умумий лойиҳаси доирасида олиб бориладиган кўкаламзорлаштириш ишлари шаҳарлар кўрғига кўрк кўшмоқда. Шунинг баробарида, турар жой биноларини, ички ва ташқи йўллари таъмирлаш, янгилаш, обод қилиш, кўчат ўтказиш ишларига эътибор ортмоқда.

Навоий шаҳри марказидаги "Лочин" МФЙга қарашли Энергетик кўчаси ҳам намунали кўчалар қаторига қўшилди. Ҳозиргача бу ерда бир қатор ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, 10 дан ортиқ кўп қаватли уйларнинг йўлаклар, фасад қисми таъмирланиб, замонавий "ақлли" эшиклар ўрнатилди, пидедалар йўлакларига бетон ва асфальт қопламалари ётқизибли, тартибга келтирилди.

Самарқанд вилояти

Маҳсулот экспортга чиқмоқда

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Миллий иқтисодийнинг устувор йўналишларидан ҳисобланган саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш бўйича Самарқанд вилоятида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Ургутмикрометалл" МЧЖ жамоасида ҳам бу борадаги тадбирлар режа асосида йўлга қўйилаётир.

– Айни пайтда тиш четкалари тайёрлашни ўзлаштиришимиз ютуқлар омили бўлапти, – деди жамият директори Фаррух Маҳмадиев. – 2021 йилда товар айланмасини 4,5 миллиард сўмга етказган эдик. Жорий йил бу кўрсаткични янада оширишни режа қилганимиз, шунинг баробарида маҳсулотни экспортга чиқаришни бошладик.

Янги иншоот қурилади

Самарқандда велоспортнинг трек тури бўйича ёпиқ велотрек спортга мажмуаси қурилиши бошлаб юборилди.

Республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган иншоот жаҳон андозалари даражасига жавоб берадиган бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Айни пайтда Германиянинг "Velo Track gmsnsock" қурилиш компанияси бу вазифани бажаришни ўз зиммасига олган.

Чердакдаги қамишнинг залвори

Ислом ИБОДУЛЛА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртимизнинг чекка қишлоқларида эски "қурилиш материали" – қамишнинг бозори чаққон. Хоҳ қишнинг қировли, хоҳ кузнинг булдуруқли кунни бўлсин қамиш сотиб ўтирганларга йўлиқасиз.

– Ака, замон ўзгарди, қамишининг чердакка бостириқлари залвори йўқ. Ёғоч бор, темир-бетон бор...

– Ота-бобомиз қамиш-лўмбозда катта бўлган, ука. Қамиш ол, уй қилсангки, том чердакка босилар, эмас қорвага ем, – дейди аксарияти.

Бошпана қуришнинг худудларга кўра хусусиятлари бор. Қишлоқ шароитида унинг том қисмига лўмбоздан аввал қамиш босилади. Унинг зўри лойда ўсади, сувдай қийишқоқ бўлади. Қамиш – кўп йиллик ўсимлик. Кучли илдиришдан, уруғидан кўпаяди. Илдиришнинг узунлиги 5-6 метргача етади, тупроқда 30-40 сантиметр чуқурликгача тарқалади. Ер бағирлаб ўсадиган поясининг узунлиги 20 метргача етади, ҳар бир бўғинидан илдириш ва тик поялар ўсиб чиқади. Кўп гуллайтиди, лекин кам уруғлайди. Қамиш сув босган, сизот суви юза жойлашган ерларда, шунингдек, ариқ-зовуларда яхши ўсади. Бу ўсимлик ер танламайди, шўрланган ерларда ҳам ўсаверади. Бугун ҳам қишлоқ худудларида уй-жой тиклашда қамишдан кенг фойдаланилади.

Ҳозирги кунда кўпгина худудларда қамиш қўшимча даромад манбаи сифатида кўриладиган бўлди. Аммо қамишнинг эски анъанаси ҳамон сақланиб қолмоқда. Қишлоқ худудларида қуриладиган иморатларда ундан кенг фойдаланилади. Бу бошқа қурилиш материалларидан арзонроқ ҳисобланиб, ўз ўрнида, нам ва бошқа табиий вазиятларга чидамлилиқ кўрсатади. Хусусан, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида яқка тартибда уй-жой қуришда қамиш асосий унсурлардан бири сифатида танланмоқда.

– Ҳар бир нарсанинг мавсуми бўлади, хусусан, қамиш етилишининг ҳам, – деди қамиш сотувчи Турдимурод Эгамов. – Ёз-куз палласи биз учун айни ишнинг бошланиши ҳисобланади. Каттақўрғон туманидаги зовуру туқайлардан ўриб олинган қамишлар худуддаги қишлоқларга ва ёндоқ туманларга юборилади. Қизғин, қамиш оддий қурғоқ тупроқдан тортиб, сув ичларида ҳам ўсаверади. Шунга кўра, унинг ўзига хос бардошлилигини англашимиз мумкин. Кунига 27-30 сантиметр ўсиш қувватига эга бўлган мазкур қамиш турининг ранги табиий очикдир, бир қанча хусусиятга кўра металлдан устунроқ ва бетакор ташқи кўриниши билан ландшафт-мебель секторида кўп йиллардан буюн қўлланиб келинади. Бундай қамишдан тайёрланган уй мебеллари 60 йилга қадар сақланиши мумкин.

Туманда яшовчи аҳолининг бир қисми қамиш поясидан даромад олишининг турфа йўллари қўлашмоқда. Хусусан, бўйра ва бордон тўқиш йўлга қўйилган. Бу маҳсулотлардан ёзда турли ландшафт очувчи ўрама деворлар, ер тўшмалари ўрнида кенг фойдаланиши мумкин.

Маълумотларга кўра, қамиш етиштириш ва шу билан боғлиқ фаолият турлари билан шуғулланувчилар турли хил дори-дармонга эҳтиёж сезмас экан. Негаки, қамиш гигиеник ўсимликдир. Ҳар қандай зарарли микроорганизмлар унинг танасида яшай олмайдди. Шунинг учун ҳам ундан тайёрланган иплар тўқимачилик саноатида кенг қўлланилади.

Замонавий индустриал шароитда эса ушбу ўсимлик яна бир қарра қадр топди. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг кўпгина худудларида қамиш поясидан ДСП материали, қоғоз ва бошқа ашёлар ишлаб чиқарилимоқда. Жамиятда бу каби табиий унсурлардан тўғри фойдаланиб, иқтисодий ривожланишга таъсир кўрсатаётган соҳалар талайгина. Бугун офис-уй стилингиз, кийган кийимингиз ёки ичган дорингизда ҳам қамишдан олинган моддалар бўлиши мумкин. Аслида, шуларнинг ўзи чердак қопламаси сифатида кўрилган қамишнинг залворини қурсатиб турибди.

"Universal Auktions Invest" МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

2022 йил 2 май кунини соат 12.00 дан бошлаб ўтказиладиган очик аукцион савдога Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 271-уйда жойлашган хусусий нотариал идорасининг 2021 йил 16 мартдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қўйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган занжир, узук, биллакуз, зирак ва бошқалар) "Artfam-Invest" МЧЖ томонидан аукцион савдоларига кўйилмоқда:

- 202202193001582-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 12 154 514,4 сўм.
- 202202193001583-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 3 246 031,6 сўм.
- 202202193001584-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 2 123 113,6 сўм.
- 202202193001585-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 2 722 003,2 сўм.
- 202202193001587-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 11 256 180 сўм.
- 202202193001586-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 685 778,56 сўм.
- 202202193001588-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 2 347 697,2 сўм.
- 202202193001589-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 4 668 394,4 сўм.
- 202202193001590-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 3 320 892,8 сўм.
- 202202193001591-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 700 750,8 сўм.
- 202202193001593-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 13 651 738,40 сўм.
- 202202193001594-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 5 716 451,2 сўм.
- 202202193001596-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 6 165 618,4 сўм.
- 202202193001597-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 3 545 476,4 сўм.
- 202202193001598-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 1 374 501,6 сўм.
- 202202193001599-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 22 635 082,4 сўм.
- 202202193001600-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 1 898 530 сўм.
- 202202193001601-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 625 889,6 сўм.
- 202202193001602-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 8 112 009,6 сўм.

- 202202193001603-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 6 764 508 сўм.
- 202202193001604-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 4 518 672 сўм.
- 202202193001605-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 685 778,56 сўм.
- 202202193001606-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 4 368 949,6 сўм.
- 202202193001607-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 1 374 501,6 сўм.
- 202202193001609-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 1 973 391,2 сўм.
- 202202193001610-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 1 075 056,8 сўм.
- 202202193001611-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 2 347 697,2 сўм.
- 202202193001612-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 10 507 568 сўм.
- 202202193001613-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 7 483 175,52 сўм.
- 202202193001614-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 2 272 836 сўм.
- 202202193001615-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 1 823 668,8 сўм.
- 202202193001616-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 1 494 279,52 сўм.
- 202202193001617-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 476 167,2 сўм.
- 202202193001618-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 925 334,4 сўм.
- 202202193001619-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 2 522 872,41 сўм.
- 202202193001620-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 1 733 835,36 сўм.
- 202202193001621-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 2 093 169,12 сўм.
- 202202193001622-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 925 334,4 сўм.
- 202202193001623-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 5 641 590 сўм.
- 202202193001624-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 3 320 892,8 сўм.
- 202202193001625-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 1 973 391,2 сўм.
- 202202193001626-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 865 445,44 сўм.
- 202202193001627-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 404059 рақамли гувоҳнома.

- 202202193001628-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 1 898 530 сўм.
- 202202193001630-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 4 743 255,6 сўм.
- 202202193001631-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 5 866 173,6 сўм.
- 202202193001632-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 1 374 501,6 сўм.
- Заргарлик буюмлари билан "Artfam-Invest" МЧЖнинг қўйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин: Тошкент шаҳри, Мирзо Улўғбек тумани, Паркент кўчаси, 9-уй.
- Юқоридаги муқдлар 2022 йил 2 май кунини соат 11.30 дан бошлаб ўтказилади.
- Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қўйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй.
- Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтайтилади. Олди-соти шартномаси тузилганидан кейин қўйида кўрсатилган санандан бошлаб 10 (ўн) кун.
- Аукцион савдога иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида" ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Universal Auktions Invest" МЧЖнинг қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 0049 3216 8025 АТБ "Турон банк" Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.
- Аукцион савдога қатнашиш истагидидаги қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:
- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусха, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- жисмоний шахслар – паспорт нусха, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй.
- Мурожаат учун тел.: 71-236-74-67.
- Веб-сайт: www.uaiz.uz

"Universal Auktions Invest" МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

2022 йил 2 май кунини соат 11.30 дан бошлаб ўтказиладиган очик аукцион савдога Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 271-уйда жойлашган хусусий нотариал идорасининг 2022 йил 16 мартдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қўйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган занжир, узук, биллакуз, зирак ва бошқалар) "Oloy-Invest" МЧЖ томонидан кўйилмоқда:

- 202202193001564-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 10 058 400,8 сўм.
- 202202193001565-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 4 368 949,6 сўм.
- 202202193001566-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 4 219 227,2 сўм.
- 202202193001567-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 20 538 968,8 сўм.
- 202202193001568-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 1 284 668,16 сўм.
- 202202193001569-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 760 639,76 сўм.
- 202202193001570-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 1 605 074,1 сўм.
- 202202193001571-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 1 254 723,68 сўм.
- 202202193001572-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 551 028,4 сўм.
- 202202193001573-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 3 096 309,2 сўм.
- 202202193001575-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 2 871 725,6 сўм.
- 202202193001576-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 6 015 896 сўм.
- 202202193001580-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 4 994 789,23 сўм.
- 202202193001581-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошланғич баҳоси – 6 015 896 сўм.
- Заргарлик буюмлари билан "Oloy-Invest" МЧЖнинг қўйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амур Темур кўчаси, 1-уй.

Юқоридаги муқдлар 2022 йил 2 май кунини соат 11.30 дан бошлаб ўтказилади.

Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қўйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтайтилади. Олди-соти шартномаси тузилганидан кейин қўйида кўрсатилган санандан бошлаб 10 (ўн) кун.

Аукцион савдога иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида" ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktions Invest" МЧЖнинг қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 0049 3216 8025 АТБ "Турон банк" АТБ Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

Аукцион савдога қатнашиш истагидидаги қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусха, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

жисмоний шахслар – паспорт нусха, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй.

Мурожаат учун тел.: 71-236-74-67.

Веб-сайт: www.uaiz.uz

004059 рақамли гувоҳнома.

"Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Қорақалпоғистон Республикаси иқтисод-лаштирилган санъат мактаб-интернатининг 2022 йил 28 мартдаги 01/01-11-сонли алоқа хатига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Хожели гузори кўчаси, 79-уйда сақланаётган 1996 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23 AD 078 бўлган, таъмирталаб қоникарсиз ҳолатдаги "BA3-2109" русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 1 732 000 сўм.

Аукцион савдо 2022 йил 15 апрель кунини соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-Б" уй манзилида жойлашган "Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ биносида ўтказилади.

Охириги мuddати: аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 тўхтайтилади.

Агарда юқорида кўрсатилган автотранспорт 2022 йил 15 апрель кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдо фoлиби деб топилган шахсларга 20 иш кунини ичиде сотувчи билан олди-соти шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдога иштирок этиш истагидидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат

10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдога қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ савдо ташкилотчисининг АТБ "Турон банк" Нукус филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 2049 4201 6001 МФО 00585 СТИР 302 129 374 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдо ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-Б" уй.

Тел.: 61-222-84-44.

Расмий сайтимиз: www.rtm.uz

9506 рақамли гувоҳнома.

БОҒУ БЎСТОНГА АЙЛАНАЁТГАН ЮРТ

Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ,

Самарқанд вилояти бош имом-хатиби.

Ислон дини доимо табиатни асраб-авайлашга, наботот ва ҳайвонот олами ни ҳимоя қилишга, Аллоҳ ато этган ҳар бир неъматдан оқилона фойдаланишга буюриб келган. Чунки нафас олиб турган тирик жон борки, унга азият етказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қўрьони қаримда бундай марҳамат қилинган: "Ерни яроқли қилиб қўйгандан кейин унда бузғунчилик қилмангиз!" (Аъроф сураси, 56-оят).

Оламда яратилган барча нарсалар инсон манфаати учун хизмат қилади. Шу боис уларни асраб-авайлаш, зарар етказмаслик, боғу роғлар барпо этиш динимизнинг амри бўлиб, доимо кўчат ўтказишга, экин-тикин ишларига тарғиб қилади. Ҳадиси шарифда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам "Ким бирор ўлик ерни тирилтирса, яъни обод этса, унга шунда ажр бордир. Шунингдек, ундан бирор жонзот еган нарсасида унга садақа (савоби) бордир", дедилар.

Биз ўтказган кўчатлар ва ўсимликлар доимо Аллоҳга тасбеҳ айтиб туради. Буни Қўрьони қаримдаги жуда кўп оятлар далolat қилади. Жумладан: "Осмонлардаги ва ердаги бор нарсаси подшоҳ пок, қудрат ва ҳикмат соҳиби бўлиши Аллоҳга тасбеҳ айтир", деб Аллоҳ таоло марҳамат қилди. Уларнинг айтган тасбеҳ ва зикрлари уларни эккан ва парвариш қилган кишиларнинг амаллар дафтарига ёзилади.



Шу кунларда бундай савобли ишлар юртимизда жадаллик билан олиб борилмоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси эълон қилинди. Унга қўра, келгуси беш йилда 1 миллиард туп дарахт кўчат экиш мақсад қилинган. Мазкур лойиҳа доирасида ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, кам сув талаб қиладиган кўчатлар танланиб, уларни етиштириш учун кўчатхоналарни кўпайтириш йўлга қўйилмоқда.

Мазкур хайри ташаббус доирасида шу йил 1 март куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси Ула-

молар кенгашининг баёноти қабул қилинди. Баёнотда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг ҳаётимизда тугган ўрни ҳақида сўз юритилиб, динимиз таълимоти асосида барча юртдошларимизни ушбу тadbирда фаол иштирок этишга чақириб баробарида, қишлоқ-овулларимиз, маҳалла-қўйларимизни обод қилиш орқали юртимизни боғу бўстонга айлантириш назарда тутилган.

Ушбу савобли лойиҳада Ўзбекистон мусулмонлари идораси Самарқанд вилояти вакилиги ҳам муносиб иштирок этиб, ҳудудларда амалга оширилаётган кўкаламзорлаштириш ишларига бош-қош бўлмоқда. Вилоятдаги барча масжидлар ҳудудида яшил маконлар ташкил этиш ва кўчат экиш ишлари жадал давом этмоқда. Жумладан, Каттақўрган тумани "Абдурахмон ота" масжиди ҳудудида 3 200 дона мевали дарахтлар экилиб, мазкур боққа "Сўфи Оллоёр" номи берилди. Шунингдек, Пастдарғом туманида ҳам лойиҳа доирасида 1 000 туп мевали дарахт кўчати ўтказилди ҳамда бу боғ "Эзулик боғи" номи билан атала бошланди.

Пайариқ туманида жойлашган Имом Бухорий авлодлари номи билан янги боғ ташкил этилиб, 1600 туп мевали кўчатлар экилди. Боққа кўчат экиш тadbирини вилоятнинг диний соҳада фаолият юритаётган уч авлод вакиллари иштирок этиб, яратилаётган боғ ҳаёт фаровонлигига, халқимиз манфаат олишига, қолаверса, табиатнинг янада кўркам бўлишига муносиб хизмат қилишига умид ва дуолар қилдилар. Шунингдек, Пайариқ тумани Янгиобод маҳалласи ҳудудида "Ҳиммат" боғини ташкил этишда Самарқанд шаҳар "Домла Камолитдин" масжиди

имом-хатиби Исмаилов Абсаломов катта ташаббус кўрсатди. Боғ учун ажратилган 5 га ер майдони атрофига 2 000 туп манзарали арча дарахти ҳамда 1 700 туп олма, ноқ, ўрик, гилос, узум ва шу каби кўчатлар экилди. Келгусида бу боғнинг меваларини эҳтиёжманд аҳолига тарқатиш мақсад қилинган.

Шунингдек, туман ва шаҳар бош имомлари иштирокида маҳаллабай ва хонадонлар бўйича аҳоли билан учрашувлар ташкил қилиниб, кўчат экиш ишларининг аҳамияти тушунтирилмоқда. Натижанда халқимизда ҳам бу эзгу ташаббусга бўлган қизиқиш ортиб, кўкаламзорлаштириш ишларида қўллаб-қўллаб юрдошларимиз фаол иштирок этмоқда. Қолаверса, имом-хатиблар ташаббуси билан маҳалла ва гузарлардаги бўш турган жойларга манзарали ва мевали дарахтлар экилаётгани ҳам кўпчилигининг эътиборини тортмоқда.

Қисқасини айтганда, шу кунга қадар Самарқанд вилоят вакилиги жойлардаги масжид имом-хатиблари билан ҳамкорликда 10 000 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экишга муваффақ бўлди. Бу хайрли амаллар шу кунларда ҳам давом этмоқда.

Келажакда бебаҳо сармоя тариқасида йўналтирилаётган бу эзгу ташаббус – "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг атроф-муҳит мусофоллигини таъминлаш ҳамда инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти юксакдир.

Шу билан бир муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, бу ишлар бир йиллик ёки бир мавсумлик эмас, балки давомий бўлиши лозим. Бу хайрли амаллар бардавом бўлар экан, тез кунларда юртимиз боғу бўстонга айланади, иншааллоҳ.

ШАҲАРДАГИ ЭНГ КЎРКАМ БИНО ҚАЧОН АСЛ ҲОЛИГА ҚАЙТАДИ?

Райхона ХЎЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

– Ойижон, уйга кетгим келяпти.
– Хали томоша тугамади-ку, қизим. Нега кетишни хоҳлаб қолдинг?

– Жудаюм совуқ экан...

Бир оз олдин томоша кўриш илжинида чопқиллаб келган уч ёшли қизимнинг бу сўзлари миямда чарх ураётган фикрларни янада жонлантириб юборди.

Одатда байрамларни болажонлар ўзгача интиқлик билан кутишади. Совға-саломдан ташқари, байрамона томошалар уларнинг жони-дили. Айниқса, циркдаги томоша нафақат болалар, балки катталарни ҳам бирдек қувонтиради. Цирк томошасининг қизиқарли ўтишида цирк артистларининг ижроси ва ҳайвонлар чиқиши муҳим аҳамиятга эгаллигини биламиз. Ҳақиқий олқишларга сазовор бўлувчи томоша кўйиш учун эса энг аввало, муносиб шароит ва махсус жиҳозлар кераклиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Аммо... Бир олам завоқ билан келган кичкинотларнинг қалин кийимларда, онасининг пижигига тикилган ганича қалтираб томоша кўришга қараб қайсидир мультфильмда соқудан дир-дир титраб турган бир жуфт кувенча ёдимга тўшади.

Журналист эмас, оддий томошабин ёки шунчаки бир она сифатида бундай шароитда фарзандим билан 2-3 соат томоша кўриш кўнглимга сифмади, ростки. Саҳна қўлиб, атрофга секин назар ташладим. Томошагоҳнинг совуқлигидан маълумки, иссиқлик тизими ишдан чиққан, димогимга урилган ноҳус ҳид эса бинода шамоллатиш тизими ҳам анчадан бери ишламаслигини далил қилди. Уриндикларнинг эскириб сингани, зина ва полларнинг ўчиб кетган ранги, манев ва шифтнинг аҳолига қараб, биного анчадан бери "кўп" темаганини сезиш қийин эмас. Кўрганларим ҳали ҳаммаси эмас экан. Амаллаб икки соатлик томошани кўриб тугатдик. Бинонинг ертўла қисмида жойлашган ҳожатхонага навбат кутаётганларнинг кўпчилигини кўриб, сабабини ҳеч ким айтмаси ҳам тушуниб олдим. Демак, уларнинг ярмидан кўпи ишламаси керак. Бейхитёр ёнимдаги икки аёлнинг суҳбати қўлоғимга чалинди:

– Адашмасам, етти-саккиз ёшлигимда келгандим циркка. Эскирганини айтмаси, ҳеч нима ўзгармаганга ўхшайди. Ҳаммаси ўша-ўша, – деди улардан бири.

– Йигирма йил ўтибди, эскиради-да. Лекин нега ремонт қилишмайди?

– Ростдан ҳам, ҳақли савол: цирк биноси охириги мартда қачон таъмирланган? Қурилганидан буён ҳеч таъмирланганими?

Ўзбекистонда замонавий цирк бундан 100 йиллар муқаддам XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасига гастроль сафарларида Россия ва Европа давлатларидан аттракционлар келган даврларда пайдо бўлган. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган, Урганч каби бир қатор шаҳарларда яримстационар Шапито цирклари барпо этилган. Илк кўчмас цирк Тошкент шаҳрида 1914 йилда қурилган, аммо 1966 йилда рўй берган зилзила оқибатида vayрон бўлган.

Ўзбек давлат циркининг ҳозирги биноси 1976 йилда қурилган. Унинг улкан кўк гумбазли узокдан кўзга ташланади. Циркнинг ўзига хос бу думалоқ шакли биноси шарқона услубда бунёд этилган ва ташқарисидан декоратив панжаралар билан безалган. Ички безакларда



вitraжлар ва чиройли нақшлар, керамик мозаика, ёғоч ва ганч ўймакорлиги намуналарини кўриш мумкин. Томошабинлар залининг эшиклари ёнғоқ дарахтидан нақшинкор ўймакорлик услубида сасланган.

1999 йилда цирк биноси таъмирланиб, замонавий талабларга жавоб берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бино оригинал архитектурага, қўлай томоша залига эга бўлиб, атрофи вестибюль, фойе, гардероб, буфет ва хизмат хоналари билан ҳалқадек ўраб олинган. Бинонинг ром-ҳалқали конструкцияси фойени устунлардан ҳоли қилишга ва томошабинларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун бир бутун майдон ташкил бўлишига имкон яратди. Циркнинг ушбу янги биноси қурилганича жамоа Шапито услубида йўлга павильонларда ўз фаолиятини давом эттирган. Цирк 2 700 нафар томошабинни қўлай тарзда ўзида жойлаштиради. Унинг олд томонида иккита фаввора ва болалар учун майдонча ҳам барпо этилган.

Муствақиллик йилларида "Ўзбекдавлатцирки" ташкил этилди. Цирк кўп йиллар давомида катта-но кичкинчи ўзининг қизиқарли томошалари билан қувонтириб келмоқда. Бу ерда ча-вандозлар ва жонгёрлар, ўргатилган ҳайвонлар, ҳаво гимнастлари, масхарабозлар барчага яхши кайфият улашиш билан банд.

Хабарингиз бор, бугун юртимизда қурилиш индустрияси ҳар қачонгидан-да жадаллик билан ривожланмоқда. Айниқса, мафтункор пойтахт ўзгаришлар, янгиланишлар, бунёдкорликлар маконига айланди, десак, муно-вола бўлмайди. Шаҳарнинг бу гуза-лигига циркнинг ҳозирги қиёфаси озгина соя солиб тургандек, гўё. Юзлаб (балки минглаб) янги бинолар қурилиб, эски-лари таъмирланаётган паллада, цирк биносининг ўзгармасдан қолаётганини қандай тушуниш мумкин? Бу ҳақда аниқроқ маълумот олиш мақсадида "Ўзбекдавлатцирки" мушасаддларига мурожаат этдик.

– Ҳар бир янги нарсаси бир кун келиб эскиргани каби, бир пайтлар шаҳардаги энг кўркам бино ҳисобланган цирккимиз ҳам таъмирталаб ҳолга келган, – деди "Ўзбекдавлатцирки" бош маъмури Мирҳосил Тўлабеков. – Шу мақсадда, 2019 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбек цирк санъатини янада ривожлантириш ва "Ўзбек давлат цирки" давлат муассасаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, цирк биносини тўлиқ капитал таъмирлаш, моддий-техник базасини янгилаш ҳамда соҳада малака-ли кадрларни тайёрлаш каби бир қанча масалалар ўртага ташланди. Шунингдек, машур хорижий цирклар – Франциянинг "Cirque du Soleil", Хитойнинг "Чанг Лонг" халқаро цирки, Россиянинг "Цветной бульвар" даги "Москва цирки", "Москва катта цирки" кабиларнинг гастролларини республикамизда мунта-зам равишда ташкил этиш вази-фаси ҳам кўйилди. Афсуски, кутилмаганда пандемия бошланиб, қарор ижроси вақтинчалик тўхтаб қолди. Яқинда шу масала юзасидан Маданият вазирли-гида ййгилиш ўтказилди. Яна қандай муаммо ва камчиликлар борлиги, нималар керакли ҳақида фикрларимизни билдирдик. Насиб бўлса, шу йилнинг март-апрель ойларида цирккимиз биносини реконструкция қилиш ишлари бошланади.

Цирк биносининг реконструкция ишлари лойиҳаси "Tashgiprogo" ташкилотига тегишли бўлиб, ҳозирги бино лойиҳасини ҳам ўша пайтда айнан шу ташкилот мутахассислари яратган. Энди фақат тендер ўтказилиб, қайси ташкилот реконструкция ишларини олиб бориши аниқланса, бўлди. Бош маъмур берган маълумотга кўра, реконструкциядан кейин бино 70 фоизга ўз-гарди. Масалан, ойна, фасадлар олиб ташланиб, замонавий қурилиш матери-алларидан фойдаланиб қайтадан қури-ладди. Бино асоси бўлган кўйма бетон устунлар миллий хусусиятлар эътибор-га олиниб, ганч ўймакорлиги нақшлари билан безатилган. Улар ҳам сақлаб қо-линади. Биринчи қаватдаги учта эшик, иккинчи қаватдаги тўртта эшик бе-загида эса ёғоч ўймакорлиги усулидан фойдаланилган. Шунча йиллар ўтса-да, бу эшиклар ҳамон ўз салобатини йўқот-маган. Қадимги саройларнинг савлати-дан нишонча бу эшиклар реконструкция жараёнида ҳам ўзгартрилмайдди.

– Цирккимиз биноси Ўзбекистонда янгоа бўлгани боис, хориждан келадиган ҳар бир сайёҳ бу ерни томоша қи-лиши истади, – дея суҳбатни давом эттирди Мирҳосил Тўлабеков. – Чунки дунё миқёсида ҳам цирк бинолари доимо сайёҳлар эътиборини торттиб келган. Яқинда Германиядан бир гуруҳ сайёҳлар келишди. Улардан бири ичка-ридаги нақшинкор эшик олдига бориб анча вақт туриб қолди. Сўнг, "Суратга олсам, майлими?" деб сўради. "Нега айнан эшикни олдида суратга тушмоқ-чисиз?" деган саволимга "Бизда бундай санъат тури йўқ. Архитекторам, шу ҳур-нарни ўрганиб, ўзимизда ҳам ясаб кўр-

моқчиман" дея жавоб берди. Европада замонавий бинолар жуда кўп бўлгани боис, сайёҳлар асосан миллатнинг ўз-галардан ажрлиб туривчи хусусиятини қидиришади.

Суҳбат чоғида амин бўлдикки, на-фақат цирк биносини таъмирталаб, балки умуман, бу соҳанинг ўзига хослигига эъ-тибор керак экан. Хусусан, юртимизда цирк санъати бўйича мутахассислар етарли эмас, умуман йўқ десак ҳам бўлади. Цирк санъати бўйича кадрлар тайёрловчи институт ҳам мавжуд эмас. Биргина Цирк коллежини битириб кел-ган ёшларнинг ҳам кўпчилиги циркда ишлаб қолмайди. Юқоридagi қарорда бу масалага ҳам алоҳида эътибор қар-атилган.

Баш маъмурнинг айтишича, цирк-нинг маҳоратли актёрлари Венгрия, Рига, Испания, Нурсултон каби бир қатор давлатларда бўлган халқаро фестивалларда қатнашиб, олтин-ку-муш-бронза медалларни қўлга киритиб келмоқда. Солиштириш учун айтиш мумкинки, агар спортчи халқаро му-собақадан олтин медаль олиб қайт-са, карнай-сурнай билан кутиб олиб, совғалар берилди. Лекин цирк арти-сти олтин медаль олса, ҳеч ким билмай қолаверди. Демак, соҳани янада ри-вожлантириш учун, кадрлар масаласи-да ҳам алоҳида эътибор бериш керак.

Айни пайтда циркда 242 нафар ишчи-ҳодим ва 73 та ҳайвон қизиқар-ли томошалар тайёрлаш билан банд. Шартнома бўйича хорижда фаолият юритаётган артистлар билан ҳисобла-ганда уларнинг сони 600 дан ошмироқ. Вилоятларда цирк йўқлиги учун 4 та Шапито цирки қишга бутун республи-ка бўйлаб томошалар кўйишади.

Тан олиш керак, цирк Тошкентдаги энг чиройли бинолардан бири бўлиб, қадимги майдон узра парвоз қилаётган учар ликопчага ўхшайди. Фотосуратлар ва шарҳимизнинг кўплаб мумонлари фикрига кўра, цирккимиз дунёнинг бо-шқа шаҳарларидаги циркларга нисбатан анча чиройли. Қолаверса, цирк – на-фақат томоша кўйиладиган жой, балки бир миллитнинг келажак авлодини санъатга, юксак дид ва нафосатга ун-довчи маънавият ўчоғи ҳамдир. Унинг ҳар жиҳатдан қўлай, замонавий, шинам ва кўркам бўлиши барчани бирдек қу-вонтириши шубҳасиз.

Реконструкциядан сўнг янада кўркам қиёфага кирадиган жонажон цирккимиз биносиди ангидан-янги ва қизиқарли саҳна асарларини ёзда салқин, қишда иссиқ шароитда ми-риқиб томоша қилишни интиқлик бил-лан кутиб қоламиз.

ТУГИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Апрель ойининг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Кадрлар бўлими бошлиғи **Абдуғуллом Мирзаев**, марказий бухгалтерия бош мутахассиси **Баҳром Сирлибаев**, ҳайдовчи **Мурод Гафуров**,

Жиззах вилояти, Зафаробод тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Ақбаржон Маликов**,

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий нозрат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектор **Умиджон Сафаралиев**,

"Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУК Ташкент вилояти филиали етакчи мутахассиси **Умида Сулейманова**,

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси раҳбар қотиби **Шоҳруҳбек Маримбаев**, Янгиариқ тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Жасурбек Йўлдашев** лари таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узок умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

Баҳор фаслининг ушбу фараҳбахш кунларида "Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУК Сурхондарё вилояти филиали директори

Баҳодир Эргашев ўзининг

60 ёшли

қутлуғ санасини қарши олмақда.

У бир неча йиллардан буён қурилиш соҳасида сиҳатликлдан меҳнат қилиб келмоқда.

Қурилиш вазирлиги жамоасини Баҳодир Эргашевни ана шу сана билан самимий муборакбод этиб, унга сихат-саломатлик, куч-қувват, соҳа ривож учун қиллаётган эзгу ишларида муваффақиятлар тилайди.



ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Тахрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магруппов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махаммов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонкулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Усанотқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎЗАШКЛИТИ» ДУК, «ЎшаҳарсозликПТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметПТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (кабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@mail.ru

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-443. 2239 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – И. Ибодулло.

ЎЗА якуни – 22.30. Топширилди – 23.10.